

HUMAN  
RIGHTS  
WATCH

**«Биз доимий қўрқувда яшайпмиз»**  
Қирғизистонда эстремистик материалларни сақлаш.

## Қисқача тафсилот

2017 йилда Қирғизистоннинг терроризмга қарши кураш полицияси “Суҳроб”нинг уйини тинтув қилиб, исломий гуруҳларга оид тақиқланган журнал ва уч варақ ёзув топганини билдирганидан сўнг у экстремистик материалларни сақлаш айблови билан жавобгарликка тортилган эди.

Суҳроб тақиқланган материалларни тарқатишда айблангани йўқ. У зўравонликлар содир этиш ва уларга қасд қилишда ҳам айблангани йўқ. У судда уни жавобгарликка тортишда фойдаланилган материаллар унга ташлаб қўйилганини бир неча бор маълум қилди. Шунга қарамай, судья уни уч йилга озодликдан маҳрум этди. У бир неча ой қамоқда ўтирганидан сўнг шартли равишда озодликка чиқарилди, лекин исталган вақтда қамоққа қайтарилиши мумкин.

“Полиция бу материалларни қўлига олганини мен ҳам, оилам ҳам, тинтув пайтида гувоҳликка ўтган қўшнилари ҳам кўргани йўқ,- деди Суҳроб “Ҳьюман райтс уотч”га. – Биз исталган пайтда эшигимизни тақиллатиб ордер билан келишларидан ва сохт айбловлар билан қамаб қўйишларидан мунтазам қўрқиб яшаймиз”.

Суҳроб Қирғизистон Жиноят кодексининг 299-2 моддаси асосида экстремистик материалларни сақлаш айблови билан 2010 йилдан бери жавобгарликка тортилган камида 258 киши қаторидан ўрин олди. Терроризм ва экстремизм йўналишдаги жиноят ишларининг аксарияти экстремистик материалларнинг мазмун-моҳиятига аниқ таъриф берилмаган ушбу модда асосида очилган. Сўнгги маълумотларга кўра, ушбу ҳисобот эълон қилинаётган вақтда бир неча юз киши ўз ишларининг судда кўриб чиқилишини кутишмоқда ва бунақа ишларнинг сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда: биргина 2016 йилнинг дастлабки тўққиз ойи давомида (мавжуд сўнгги маълумотларга кўра) 167 та жиноят иши қўзғатилган. Тадқиқотларимиз давомида расмийлар кўп ҳолларда ҳеч қандай зўравонлик содир этмаган ва бор-йўғи тақиқланган адабиёт ёки видеоматериалларни сақлаган ёки исломнинг консерватив йўналишларига эътиқод қилган кишиларни панжара ортига ташлаш учун ушбу моддадан фойдаланиб келгани аниқланди.

2013 йилда 299-2 моддадан аввал “тарқатиш мақсадида” дея аталувчи мажбурий аломат олиб ташлангани ва бу эътиқод ҳамда фикр билдириш эркинлиги учун ўта салбий оқибатларга олиб келди. Маҳаллий ва халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотларининг танқидларини инобатга олган мамлакат парламенти 2016 йилнинг декабрида янги Жиноят кодексини қабул қилишда “тарқатиш мақсадида сақлаш” таркибини қайта тиклади. Янги Жиноят кодекси 2019 йил январиди бошланиши кўзда тутилган кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида қабул қилинди, бироқ мамлакат раҳбариятининг айтишича, ислохотлар кечикмоқда, шунинг учун ҳам бу таркибни жорий этиш муддатлари кечиктирилиши мумкинлиги борасида хавотирлар мавжуд.

Шу билан бирга, Жиноят кодексиди у қабул қилинган 2009 йилдан бери мавжуд 299-2 модданинг энг муаммоли жиҳати, яъни экстремизмнинг кенг кўламли талқин этилиши сақланиб қолмоқда. Ушбу модда негизиди Қирғиз Республикасининг 2005 йилди қабул қилинган “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунида келтирилган террорчилик актларидан тортиб “миллий қадриятларни камситиш”, “безорилик ҳаракатлари” ва “вандализм актлари” каби экстремистик йўналишдаги қилмишлар рўйхати ётибди. Бирор материалнинг экстремизмга оидлиги тўғрисидаги хулосани Дин ишлари бўйича давлат комиссиясининг экспертлари берадилар, ҳолбуки уларнинг малакаси ва холислиги борасида ҳуқуқ ҳимоячиларди жиддий саволлар мавжуд. Ҳукумат экстремизм бўйича материалларни Давлат суд экспертизаси хизматиға ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган, бироқ ушбу ҳисобот тайёрланаётган пайтди бу иш ҳали амалға оширилмаган эди.

Биз кўриб чиққан ҳолатларнинг бир нечасиди 299-2 модда билан айблов эълон қилинган шахслар процессуал нормаларнинг бузилиши, яъни сохта далиллар ташлаб қўйилгани ва/ёки номақбул муомала қилинганини таъкидлаган эдилар. 11 та ҳолатди гумонланувчилар, уларнинг қариндошлари ёки адвокатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари вазиятдан келиб чиқиб, уларни ҳибсға олиш ёки жиноят ишлари кўзғатмаслик эвазиги пул таъма қилиш мақсадида уларға тақиқланган мазмундаги китоблар, брошюралар, видео, флеш-карталар ёки дискларни яширинча ташлаб қўйганлари ҳақиди билдирдилар. Олтита ҳолатди иқдорлик кўрсатмаларини олиш мақсадида калтакланганлик тўғрисида шикоят қилинди.

Аксарият ҳолларда 299-2 модда бўйича ҳибсга олишлар Ички ишлар вазирлигининг Экстремизм, терроризм ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўйича 10-бош бошқармаси (кейинчалик бу тузилма Ички ишлар вазирлиги тизимидаги Экстремизмга ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш хизмати деб атала бошланди) ва Қирғизистон Миллий хавфсизлик давлат қўмитаси ходимлари томонидан амалга оширилган.

Қирғизистоннинг биз билан суҳбатлашган расмий мулозимлари аксарият ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг 299-2 модда билан боғлиқ фаолиятига доир қонун бузилишлари тўғрисидаги саволларга жавоб беришдан ўзларини олиб қочдилар ёки улар тизимли равишда эмаслигини таъкидладилар. Шу билан бирга, хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи уч нафар мутасадди “Хьюман райтс уотч” билан алоҳида интервью давомида тизимда қийноқлар, сохта далилларни ташлаб қўйишлар ва таъмагирликлар борлигини тан олдилар, аммо икки нафари бундай ҳолатлар камдан-кам учрашини айтиб туриб олдилар. “Албатта, бизда шунақа муаммо бор”, - деди улардан бири. Бошқа мутасадди эса аксилтеррор бўлинмаларида шу чоққача “эскича ишлайдиган, ҳуқуқ ва эркинликларни бузадиган ходимлар ва раҳбарлар” борлигига иқрор бўлди.

Омбудсман аппаратида бизга маълум қилишларича, уларга “ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан Қирғиз Республикасининг диндор фуқаролари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича турли масалаларда кўплаб аризалар келиб тушади”, бироқ фактлар тасдиқланмаяпти. Аппаратнинг катта ходими қайд этишича, “аксарият ҳолларда” қонунбузарликлар тинтув вақтида содир этилади. Унга айтишича, 2018 йилнинг иккинчи ярмида улар 299-2 модда асосидаги жиноят ишларидаги қонунбузарликлар ҳамда терроризм ва экстремизм йўналишидаги жиноятлари учун озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар жазони ўтаётган жойлардаги шароитлар тўғрисидаги шикоят аризаларни таҳлил қилишни режалаштиргандилар. Бироқ омбудсман 2018 йилда истеъфога чиқиб кетди ва ушбу ҳисобот тайёрланаётган пайтда бу лавозим бўш қолаётган эди.

Бош прокуратурадан бизнинг сўровимиз бўйича олинган маълумотларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари экстремизм ёки терроризм бўйича ишларда гумонланувчилар ёки айбланувчиларга нисбатан тергов ва текширувнинг номақбул

услугларини қўлагани учун интизомий ёки жиноий жавобгарликка тортилмагани маълум қилинади.

Қирғизистонда ҳуқуқ-тартибот идорлари ходимлари томонидан қийноқлар қўлланиши БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитаси томонидан ҳам, Қирғиз Республикасининг Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий маркази томонидан ҳам тасдиқланган. Ҳукуматлар олдига тегишли масалалар қўйилмоқда.

Ушбу ҳисобот, асосан, Жиноят кодексининг 299-2 моддаси ҳаддан зиёд агрессив равишда қўлланишига бағишланган. Бироқ бу ерда кўтарилаётган баъзи муаммолар, масалан, терроризмда гумонланаётганларга бўлаётган муомала Қирғизистон расмийларининг “Исломи давлати” (ИД), Суриянинг “Жабҳат ун-Нусра” (ҳозирги номи Таҳрир аш-Шом) ва уларнинг тармоқлари бўлган трансчегаравий қуроли ислоний гуруҳларга бўлган умумий муносабатларига ҳам алоқадор.

Маълумотларга кўра, 2012 йилдан бери марказий осиёлик 2,6 мингдан 5 минггача, жумладан, қирғизистонлик 764 нафар шахс шу каби гуруҳларга қўшилиш мақсадида Сурия ва Ироққа, камроқ қисми эса Афғонистонга чиқиб кетган. Бу рақамларни аниқ деб бўлмайди, чунки чиқиб кетганлар орасида уларнинг оила аъзолари ҳамда жанговар ҳаракатларда иштирок этмаган бошқа шахслар ҳам бор.

Марказий осиёликлар, шу жумладан, Қирғизистон фуқаролари ва диаспоралар вакиллари 2016 йилдан 2018 йил июлгача содир этилган 7 та шов-шувли ҳужумга алоқадорликда айбланмоқдалар. Уларнинг аксарияти “Исломи давлати” гуруҳи билан боғланади. Ҳужумларнинг иккитаси Истанбулда, қолганлари Санкт-Петербургда, Стокҳольмда, Нью-Йоркда, Тожикистоннинг Хатлон вилоятида ва Бишкекнинг ўзида амалга оширилган. Ушбу ҳужумлар натижасида камида 117 киши ҳалок бўлган ва 360 киши жабрланган.

“Ҳьюман райтс уотч” бу каби ҳужумларни сўзсиз қоралайди ва ҳукуматларни айбдорлар жавобгарликка тортилишини таъминлашга чақиради. Биз ҳар қандай давлатнинг ўз юрисдикцияси доирасида барча шахсларнинг ҳимоясини таъминлаш мажбуриятини тан оламиз, бироқ кўрилаётган ҳар қандай чоралар халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос бўлиши зарур. БМТда бир неча бор кўрсатиб ўтилганидек ҳамда “Ҳьюман райтс уотч” томонидан ҳужжатлаштирилганидек, терроризмга қарши кураш

баҳонасида инсон ҳуқуқларининг бузилиши нафақат ноқонуний, балки аксил самарадордир, зеро, бунинг ортидан маҳаллий ҳамжамиятлар бегоналашади ва уларнинг орасида экстремистик гуруҳларни қўллайдиган одамлар сони кўпаяди.

Ушбу ҳисобот учун “Хьюман райтс уотч” 70 кишидан интервью олди ҳамда 299-2 модда бўйича қўзғатилган 34 та жинойт ишини ўрганиб чиқди. Интервьюлар Қирғизистонда 2017 йилнинг июнь-июль ойларида ҳамда 2018 йилнинг май ойида, жумладан, масофадан туриб телефон ва интернет орқали ўтказилди. Сухбатдошларимиз орасида 299-2 модда бўйича айбланган ёки жазога тортилган 11 киши, шу каби ишларнинг фигурантлари бўлмиш 13 кишининг қариндошлари, 17 нафар маҳаллий ҳуқуқ ҳимоячиси ва адвокат, хавфсизлик масаласи билан шуғулланувчи учта мутасадди, Омбудсман аппаратининг битта катта ходими бор эди. Биз, шунингдек, 299-2 модда бўйича қўзғатилган 23 та ишнинг суд ҳужжатларини, қонунчиликни ва расмий ҳужжатларни, оммавий ахборот воситалари материалларини ва ижтимоий тармоқлардаги постларни таҳлил қилиб чиқдик.

Суд ишлари материалларида Дин ишлари бўйича давлат комиссиясининг 18 та эксперт хулосаси бор эди. Материаллар экстремистик дея тан олинган ҳолатларнинг 14 тасида зўравонлик билан боғлиқ контентлар (масалан, жисмоний зўравонлик) бўлмаган. Яна тўртта ҳолат Суриядаги қуролланган исломий гуруҳларнинг ёлланишга чақирувчи ёки тарғибот-ташвиқотга оид битта ёки ундан зиёд материалнинг сақланиши билан боғлиқ, бироқ бунақа ишларнинг бирортасида ҳам айбланувчи мазкур материалларни тарқатганига исбот ва далиллар тақдим этилмаган. Биз билан мулоқотда бўлган мутасаддиларга кўра, 299-2 модда бўйича қўзғатилган ишларнинг бир қисмидаги экстремистик материаллар ўндан зиёд мамлакатда, жумладан, Қирғизистонда ҳам фаолияти тақиқланган панисломий ҳаракат - “Ҳизб ут-таҳрир”нинг (Озодлик партияси) мавъизалари ва бошқа материалларидан иборат. Бу ҳаракат ўз олдига шариат асосида ҳукм юритадиган халифалик ўрнатишни мақсад қилиб олган, бироқ “Ҳизб ут-таҳрир” ушбу мақсадга эришиш учун зўравонликдан воз кечганини доим таъкидлаб келган.

2016 йилги суд амалиётлари юзасидан Қирғизистон Олий суди томонидан тайёрланган шарҳдан келиб чиққан ҳолда терроризм ва экстремизм йўналишидаги жинойтлар учун жинойий жавобгарликка тортилган шахсларнинг аксарият қисмини мамлакатнинг жанубий вилоятларида истиқомат қилаётган ўзбек миллатига мансуб фуқаролар ташкил этишини кўриш мумкин. Гарчи ўзбеклар нуфуси мамлакат аҳолисининг 15

фоизидан камроқ бўлса-да, жанубий вилоятларда уларнинг улуши салмоқлироқ. Шу билан бирга, Жанубий Қирғизистон аҳолиси диндорлик даражаси жиҳатидан энг консерватив саналади. Ўзбек озчилигининг эски, шу жумладан, 2010 йил июнда бўлиб ўтган миллатлараро тўқнашувлар билан боғлиқ даъволари кўп жиҳатдан ҳал этилмаган ҳолда қоляпти.

299-2 модда бўйича жинойт таъқиб мақсадли равишда этник ва диний аломатларга қараб амалга оширилмоқда, деган тезисни “Хьюман райтс уотч” на тасдиқлаш ва на инкор этиш имкониятига эга. Бироқ бу каби ишларнинг ўзбек миллатига мансуб кўплаб фигурантлари ва қариндошларининг айнан шу ҳолат бўлаётганига ишончлари комил ва бу вазият жамоалар ўртасидаги таранглик манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Биз Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ички ишлар вазирлигидан олишга муваффақ бўлган маълумотда айтилишича, 2010-2018 йилларда терроризм ва экстремизмга қарши кураш контекстида дискриминация ва этник аломатлар ҳолати бўйича “ички ишлар органлари ходимлар устидан ариза ёки шикоятлар мавжуд эмас”. Қирғизистон Миллий хавфсизлик давлат қўмитаси бу ҳақдаги саволга жавоб бергани йўқ. 2010 йил 299-2 модда амал қилган биринчи тўлиқ йил бўлгани сабабли биз шу йилдан берисига тааллуқли маълумотларни сўраган эдик.

2016 йилдан бошлаб 299-2 модда бўйича шартли жазо берилиши бекор қилинди ҳамда бу жинойтни биринчи бор содир этганлар учун уч йилдан беш йилгача, экстремизм ва терроризм йўналишидаги жинойтлар учун аввал судланганларга ёки оммавий тадбирлар пайтида экстремистик материалларни тарқатишга етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилди.

Турмадаги маҳбусларнинг радикаллашувига йўл қўймаслик мақсадида терроризм ва экстремизмда айбланиб қамалган маҳкумларни 2016 йилдан алоҳида махсус блокларга, “изоляция қилинган участкаларга” ва колонияларга ўтказиш бошланди. Шу билан бирга, БМТ ва бошқа халқаро, шунингдек, нодавлат ташкилотлар тизимидаги айрим ташкилотлар вакиллари “Хьюман райтс уотч” билан интервьюларда экстремистик материалларни сақлаш каби унчалик оғир бўлмаган жинойтларни содир этган маҳкумлар зўравонлик билан боғлиқ оғир жинойтларни содир этган маҳбуслардан ажратилмаётганини таъкидладилар.

Собиқ маҳкумлар, инсон ҳуқуқлари ҳимоясига ихтисослашган адвокатлар ва интервью берилаётган пайтда қамоқ жазосини ўтаётган шахсларнинг қариндошлари “Хьюман райтс уотч”га инсон шаънини таҳқирлайдиган шароитларда сақланиш, жумладан, камерадаги ифлос ҳожатхоналар, етарли бўлмаган озиқ-овқат ва тиббий хизмат, тиқин шароитда яшашдан шикоят қилдилар. Шу билан бирга, радикализм тарқалишининг олдини олиш чоралари рекреация ва реабилитация дастурларига эмас, балки маҳбуслар устидан ёппасига, жумладан, видеокузатув камералари ёрдамида назорат ўрнатишга қаратилган.

“Хьюман райтс уотч” маҳбуслар радикаллашувининг олдини олиш заруратини инкор этмайди. Бироқ озодликдан маҳрум этилган шахслар турмада сақланишнинг ўзига хос хусусиятларига оид чекловларни ҳисобга олмаганда, халқаро ҳуқуқ билан ҳимояланадиган барча ҳуқуқларни ўзида сақлаб қолишини унутмаслик керак. Шахсий дахлсизлик, қамоқда сақланишнинг инсонпарварликка хос шароитлари ва зарурий тиббий хизмат олиш имкониятлари шулар жумласига киради.

Жазони ижро этиш давлат бошқармаси биз билан ёзишмаларида инсон шаънини таҳқирловчи сақлаш шароитлари ҳақидаги тезисларга қўшилмади. Бошқарма БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси билан бирга маҳкумларнинг яшаш шароитини яхшилаш ва уларни тарбиялаш ишларига оид дастурни амалга ошираётганига ишора қилмоқда.

Қирғизистон собиқ СССР ва Шарқий Европанинг экстремистик материалларни сақлаш учун жавобгарлик жорий этилган, Россиянинг экстремистик фаолиятга қарши курашишга оид қонунчилигидан намуна олган саккизта давлатидан биридир.

Жиноят кодексининг 299-2 моддаси бўйича ҳибсга олишлар ва жиноий таъқиб шахсий ҳаёт дахлсизлиги, эътиқод ва фикр билдириш, уюшмаларга бирлашиш эркинликлари, қийноқлар қўлланилмаслиги ва одил судлов ҳуқуқи каби асосий ҳуқуқ ва эркинликларни поймол қилади.

Қирғизистон ҳукумати экстремистик материалларни тарқатиш ёки зўравонлик мақсадида тарқатиш мақсадини исботловчи далилларсиз жиноий таъқиб этилишни истисно этувчи 299-2 модданинг (янги Жиноят кодексига 315- модда) янги таҳрири 2019 йил 1 январдан самарали жорий этилишини таъминлаши лозим. 2005 йилда қабул



қилинган “Экстремистик фаолиятга қарши курашиш тўғрисида”ги қонундаги экстремистик материалларнинг таърифланишини имкон қадар тезроқ аниқ ва лўнда белгилаб бериш, бунгача эса экстремистик материалларни фақат сақлаш билан боғлиқ барча ишларнинг, агар уларда мазкур материаллардан фойдаланиш ёки зўравонлик мақсадида тарқатишнинг аниқ далил ва исботлари бўлмаса, кўриб чиқилишини тўхтатиб қўйиш зарур.

Прокуратура ва судлар мустақил халқаро экспертларни жалб этган ҳолда 299-2 модда бўйича қўзғатилган барча ишларни қайта кўриб чиқишлари ҳамда экстремистик дея тан олинган материалларда зўравонлик содир этиш ва уларга ундаш мақсадида фойдаланиш ёки фойдаланишга уриниш аломатлари йўқ бўлган ишлар бўйича ҳукмларни зудлик билан бекор қилишлари зарур. Сохта далилларни ташлаб қўйиш, қийноқлар ва иқрор бўлишга мажбурлаш тўғрисидаги аризалар бўйича холис тергов ва суд текширувини таъминлаш зарур. Қирғизистон Миллий хавфсизлик давлат қўмитаси ҳамда ИИБ Экстремизм ва миграцияга қарши курашиш хизматида ходимлар томонидан қонун бузилишларига нисбатан мутлақо тоқатсизлик сиёсатини жорий этиш керак.

Қирғизистоннинг халқаро шериклари, жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), БМТ тизимидаги ташкилотлар, Европа Иттифоқи ва алоҳида аъзо давлатлар, шунингдек, АҚШ Бишкекка терроризмга қарши кураш йўналиши бўйича бериладиган ёрдамни ҳукумат томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида мақсадли кўрсаткичларга риоя қилинишига мослаши лозим.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси ва ЕХХТ Қирғизистондаги вазиятни ҳужжатлаштириш ва ошкора ёритиш бўйича ишларни давом эттириши ҳамда ҳукуматга сиёсат ва амалиётнинг инсон ҳуқуқларининг халқаро стандартларига мувофиқ бўлишини таъминлашига кўмак кўрсатишга тайёр бўлиши лозим.

# Тавсиялар

## Қирғиз Республикаси ҳукуматига

### *Барча вазирлар ва идораларга*

- Терроризм ёки экстремизм йўналишида жиноятлар содир этишда айбланувчиларнинг ҳаммасига дастлабки суриштирув, тергов ва суднинг барча босқичларида ҳамда агар айблов ҳукми чиқарилганда, жазони ўташ пайтида ҳуқуқлари тўла ҳажмда сақланишини таъминласин.
- Ноқоний муносабат ҳақидаги барча шикоятлар тезкор текширилиши ва айбдорлар жавобгарликка тортилишини таъминласин.
- Экстремизмга оид материаллар экспертизасини ўтказиш функциясини Дин ишлари бўйича давлат комиссиясидан Давлат суд экспертизаси хизматиغا ўтказсин. Бу идора экстремизмга оид материаллар экспертизасини халқаро стандартлар талабларига биноан ҳолис ва объектив асосда, жумладан, зўравонликка ундаш мақсадини аниқлаштириш йўналишида ўтказиши учун суд экспертизаси хизматини устувор тартибда малакали кадрлар билан таъминласин ва уларни тайёрласин.
- Тақиқланган материаллар билан боғлиқ жиноятларни содир этишда айбланаётган ҳар бир айбланувчига бу каби материалларнинг экстремизмга алоқадор эмаслигини исботлаши учун реал имкониятлар яратиб берилсин.
- Қирғиз Республикасининг Экстремизм ва терроризмга қарши курашишга оид 2017-2022 йилларга мўлжалланган ҳукумат дастурини амалга ошириш бўйича тадбирлар режасида белгиланган норматив низомлар ва ислохотлар амалга оширилишининг комплекс таҳлиliga нодавлат ҳамжамиятлар ва мустақил экспертлар жалб этилсин.
- Ушбу ҳисобот мавзуси юзасидан БМТнинг махсус белгиланган амалиётларига, жумладан, аксилтеррор, дин эркинлиги, фикр билдириш, йиғилишлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш эркинликлари, судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачилари, шунингдек, ўзбошимчалик билан ҳибсга олишлар бўйича ишчи гуруҳга Қирғизистонга келишга кўмак кўрсатилсин.
- Мустақил ҳуқуқ ҳимоячиларнинг Қирғизистонга ҳеч қандай тўсиқларсиз келиб-кетиш имконияти таъминлансин.

### *Бош прокуратура ва Адлия вазирлигига*

- 299-2 модда бўйича айнан тақиқланган материалларни сақлаш билан боғлиқ барча жиноят ишлари дарҳол ҳаракатдан тўхтатилсин. Ушбу модда бўйича жиноят ишлари фақат экстремистик материаллардан зўравонликни амалга ошириш ёки улардан шундай мақсадга ундашда фойдаланилганда қўзғатилсин.
- 299-2 модда бўйича барча ишлар халқаро экспертларни жалб этган ҳолатда тезкор равишда қайта кўриб чиқилсин. Экстремистик дея тан олинган материаллардан зўравонликларни амалга ошириш ёки уларга ундаш мақсадида фойдаланиш ёки фойдаланиш нияти бўлмаган ҳолатларда жиноий таъқиблар тўхтатилсин ҳамда чиқарилган ҳукмларни бекор қилиш чоралари кўрилсин.
- Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан далилларни ташлаб қўйиш, таъмагирлик, қийноқлар ва гумонланувчиларга ноқонуний муносабатлар, шунингдек, айбланувчиларнинг процессуал ҳуқуқлари жиддий бузилишининг олдини олиш мақсадида назорат чоралари кучайтирилсин. Бу каби қонунбузарликлар тўғрисидаги барча шикоятлар холис ва батафсил текширилсин. Шубҳали далилларга асосланиб айбланаётган ёки жазога тортилган барча шахсларга оид ишлар қайта кўриб чиқилсин.
- Қийноқлар ҳамда бошқа турдаги ноқонуний муносабатларга дуч келганини таъкидлаётган барча маҳбусларнинг тезкор равишда мустақил суд-тиббий экспертизадан ўтказилиши таъминлансин.
- Қийноқларга ҳамда бошқа турдаги ноқонуний муносабатларга, шунингдек, инсон ҳуқуқларининг бошқа жиддий бузилишларига алоқадор барча шахслар жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликка тортилсин.
- Адлия вазирлиги сайтида тақиқланган материаллар рўйхати тезкор равишда янгилаб турилсин ва у ёки бу материалнинг экстремизмга оидлиги борасидаги қарор устидан шикоят қилишнинг реал имконияти таъминлансин.

### *Қирғиз Республикаси Жўқўрғу Кенешини (мамлакат парламенти) ва Президентига*

- 2019 йил 1 январидан экстремистик материаллар тарқатиш ёки тарқатиш мақсадида сақлашни исботловчи далилларсиз жиноий таъқиб этилишни истисно қилувчи 299-2 модданинг янги таҳрири (янги Жиноят кодексига 315-модда) самарали кучга киритилишини таъминласин. Бу муддатгача тақиқланган материалларнинг фақат сақланиши қайд этилган барча жиноят ишлари ҳаракатдан тўхтатилсин.

- Экстремизм ва экстремистик фаолиятга оид таърифнинг жуда кенг ва ноаниқ талқин қилинишини тартибга солиш мақсадида Қирғиз Республикасининг 2005 йилда қабул қилинган “Экстремистик фаолиятга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни бекор қилинсин ёки жиддий тарзда қайта ишлансин. Хусусан, терроризм ёки зўравонлик экстремизмга тўғридан-тўғри ундайдиган даражага ета олмайдиган “миллий қадр-қимматни камситиш” ва “безорилик ҳаракатлари” учун жавобгарлик каби ҳолатларга эътибор қаратиш лозим.
- Экстремизм ва терроризм йўналишидаги жиноятлар учун жавобгарликка тортилган шахсларга, агар улар давлат хавфсизлигига таҳдид солмаса, шартли жазо қўллаш имконияти тиклансин.
- Экстремизм ва терроризм йўналишидаги жиноятлар учун жавобгарликка тортилган шахсларга жазони ўтаб бўлганидан сўнг, агар бундай активлар жиноий мақсадларда фойдаланилиши режалаштирилгани янги далиллар билан аниқланмаган бўлса, банкдаги ҳисобрақамлари ва бошқа молиявий активларига эгалик қилиш имконияти тақдим этилсин.

*Бош вазир, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик давлат қўмитасига*

- Ҳибсда сақлаш жойларида қийноқларга ва бошқа турдаги ноқонуний муносабатларга ҳамда барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва кучишлатар тузилмалар ходимлари томонидан сохта далилларни ташлаб қўйиш ва тамагирликка нисбатан мутлақо тоқатсизлик сиёсати дарҳол жорий этилишини таъминласин. 2019 йил 1 январдан бошлаб суд-ҳуқуқ ислохотларининг амалга оширилишини, жумладан, барча тинтувлар ва далиллар мусодараси жараёнлари фото, аудио ва видео орқали қайд қилинишини таъминласин.
- Милиция ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг қонунбузарлик ҳолатлари бўйича жавобгарлигини тегишлича, жумладан, хизмат вазифасини бажаришдан четлатиш, ишдан бўшатиш ёки материалларни жиноят иши қўзғатиш учун тақдим этиш орқали таъминласин.
- Кучишлатар тузилмалар, шу жумладан, ИИВ Экстремизмга ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш хизмати ва Миллий хавфсизлик давлат қўмитасининг шахсий таркиби тузилмасини этник жиҳатдан мувозанатлаштиришни таъминлаш бўйича ишларни фаоллаштирсин.

### *Жазони ижро этиш давлат хизматига*

- Терроризм ва экстремизм йўналишидаги жиноятлар учун жазога тортилган маҳкумлар орасидан зўравонликка алоқадор шахсларни нозўравонлик характердаги жиноятларни содир этган одамлардан ажратиб олиш мақсадида скринингни (аниқлаштиришни) фаоллаштирсин.
- Барча маҳбуслар билан муносабатларда инсон қадр-қиммати ҳурмат қилиш, санитария ва гигиена, овқатланиш, тиббий ёрдам, маиший шароитлар, рекреация (соғломлаштириш тадбирлари комплекси) ва реабилитациянинг тегишли даражасини таъминласин; бир кишилик камераларга қамаб қўйишдан тийилсин ёки бу чора фақат инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро меъёрлар ҳамда Маҳбуслар билан муносабатларнинг минимал стандарт қоидалари (Нельсон Мандела қоидалари) талаб қилган фавқулодда ҳолатлардагина қўллансин.

### **Қирғизистоннинг халқаро шерикларига**

*Қирғизистоннинг барча халқаро шерикларига, жумладан, БМТ ва БМТ, Европа Иттифоқи, ЕХХТ, ЕИ ва ЕХХТга аъзо давлатларнинг аксилтеррор органларига, шунингдек, барча халқаро донорларга*

- Қирғизистонга терроризмга қарши курашишга бериладиган ёрдамни аксилтеррор тадбирлари ҳамда экстремистик фаолиятга қарши кураш, жумладан, Қирғиз Республикаси Жиноят кодексининг 299-2 моддаси билан боғлиқ ҳибсга олишлар ва жиноят ишлари контекстида инсон ҳуқуқлари кафолатларининг таъминланиши сезиларли даражада яхшиланиши билан боғласин.
- Қирғизистондаги инсон ҳуқуқлари бўйича вазиятни ҳужжатлаштириш ва ошкора ёритишни давом эттирсин. Давом этаётган ва олдин содир этилган қонунбузарликлар, жумладан, қийноқлар қўллаш амалиётига қарши ошкора норозилик билдирсин ҳамда ҳукуматни уларга самарали муносабат билдиришга чақирсин.
- Қирғизистонга терроризмга ва экстремизмга қарши курашиш меъёрларини, жумладан, Жиноят кодексининг инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларга мос келмайдиган 299-2 моддасини бекор қилиш ёки жиддий тарзда қайта кўриб чиқиш борасида юридик ва бошқа техник кўмак беришга устувор эътибор қаратсин.

- 2019 йил 1 январда 299-2 модданинг янги таҳрири (янги Жиноят кодексида – 315-модда) ўз вақтида кучга киритилиши ва Давлат суд экспертизаси хизматининг эҳтимолий экстремистик материалларда жиноий контент мавжудлигини холис ва мустақил экспертизадан ўтказиш имкониятини кенгайтириш мақсадида кадрларни қўшимча тайёрлашга кўмак таклиф этсин.
- Қирғизистонга терроризм ва экстремизм йўналишидаги жиноятлари учун қамалган маҳкумларнинг скрининги соҳасида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро меъёрлар ва Нельсон Мандела қоидалари талаблари доирасидаги рекреация ва реабилитация дастурларига техник ва молиявий кўмак беришга устувор эътибор қаратсин.
- БМТнинг Аксилтеррор бошқармаси Қирғизистонда терроризмга қарши курашиш баҳонасида этник, диний, сиёсий ёки бошқа мансублик аломатлари бўйича эҳтимолий қонунбузарликлар масалаларини кузатиши ҳамда Хавфсизлик кенгаши ва Бош Ассамблеяга тақдим этадиган ҳисоботларига киритиши лозим. Қирғизистонда БМТ тизимида фаолият юритаётган барча ташкилотлар бу ишга кўмак беришлари зарур.
- БМТнинг терроризмга қарши кураш шароитларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш масалалари бўйича махсус маърузачиси Қирғизистонга боришни сўраши ва умумий характердаги ҳамда Хавфсизлик Кенгашига ҳисоботларида аксилтеррор тадбирларидан этник, диний, сиёсий ёки бошқа мансублик белгилари сабаб таъқиб қилишда фойдаланишга оид барча хавотирларини киритиши керак. Шунингдек, қийноқлар бўйича, судья ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича махсус маърузачилар ҳам Қирғизистонга киришга талабнома беришлари керак.
- Европа Иттифоқи Марказий Осиёдаги ҳар қандай аксилтеррор тадбирлари ҳамда ушбу ҳисобот тайёрланаётган пайтда музокаралари давом этаётган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги кенгайтирилган битимда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга амалда риоя қилиниши асосий негиз сифатида киритилишини таъминлаши лозим.
- Қирғизистоннинг бошқа шериклари, жумладан, Россия, Хитой, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотини Қирғизистонда ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларга мос келадиган аксилтеррор стратегияларни ишлаб чиқишга ундасин.